PEDAGOGIK TADQIQOTLAR JURNALI
ISSN: 3060-4923 Impact Factor –7,212

“ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР” ВА “ДИАСПОРА” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Атоев Достон Ахтам ўғли
hamidbaha010@gmail.com
мустақил тадқиқотчи

Аннотация. Ушбу мақолада глобаллашув шароитида “хориждаги ватандошлар” ва “диаспора” тушунчаларининг назарий-ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий моҳияти таҳлил қилинади. Муаллиф халқаро лексикография ва илмий мактаблар (У. Сафран, Р. Брубейкер, Р. Коэн ва б.) қарашларини қиёслаб, ушбу феноменларнинг фарқли жиҳатларини очиб беради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги “ватандош” тушунчасига берилган таъриф ва диаспораларнинг трансмиллий дипломатиядаги ўрни илмий жиҳатдан асослаб берилган.
Калит сўзлар: ватандош, диаспора, глобаллашув, этник ўзлик, трансмиллий алоқалар, юмшоқ куч, миграция, идентификация.

Аннотация. В данной статье анализируется теоретико-правовая и социально-политическая сущность понятий «соотечественники за рубежом» и «диаспора» в условиях глобализации. Автор сравнивает взгляды международных лексикографических и научных школ (У. Сафран, Р. Брубейкер, Р. Коэн и др.) и раскрывает отличительные черты этих феноменов. Также научно обосновано определение понятия “соотечественник” в законодательстве Республики Узбекистан и роль диаспор в транснациональной дипломатии.
Ключевые слова: соотечественник, диаспора, глобализация, этническая идентичность, транснациональные связи, мягкая сила, миграция, идентификация.

Abstract. This article analyzes the theoretical-legal and socio-political essence of the concepts of “compatriots abroad” and “diaspora” in the context of globalization. The author compares the views of international lexicographical and scientific schools (W. Safran, R. Brubaker, R. Cohen, etc.) and reveals the distinctive features of these phenomena. Also, the definition of the concept of “compatriot” in the legislation of the Republic of Uzbekistan and the role of diasporas in transnational diplomacy are scientifically substantiated.
Key words: compatriot, diaspora, globalization, ethnic identity, transnational relations, soft power, migration, identification.

Кириш:

XXI асрга келиб жаҳон ҳамжамиятида глобаллашув, трансмиллий алоқаларнинг кучайиши, меҳнат миграцияси, таълим ва интеллектуал ҳаракатчанликнинг кенгайиши натижасида давлатлар ва жамиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик янги босқичга кўтарилди. Ушбу жараёнлар инсонларнинг миллий чегаралардан ташқарида ҳаракатланишини тезлаштириб, дунё миқёсида аҳолининг ҳудудий тақсимотида сифат жиҳатидан янги ҳолатни вужудга келтирди. Айни шу шароитда “хориждаги ватандошлар” ва “диаспора” тушунчалари нафақат илмий-назарий жиҳатдан, балки амалий, сиёсий ва стратегик нуқтаи назардан ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда халқаро муносабатлар тизимида давлатларнинг ташқи сиёсати фақат расмий дипломатия билан чекланиб қолмасдан, балки хорижда яшовчи ўз фуқаролари, этник ва маданий ҳамжамиятлари орқали ҳам амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан, хориждаги ватандошлар ва диаспоралар давлатнинг “юмшоқ куч” элементларидан бири сифатида қаралиб, миллий манфаатларни илгари суриш, ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш,

миллий маданият ва маънавий қадриятларни халқаро майдонда тарғиб қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Замонавий илмий адабиётларда хориждаги ватандошлар ва диаспора феномени кўп қиррали ижтимоий ҳодиса сифатида талқин қилинади. Улар социология, сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар, демография, маданиятшунослик ва ҳуқуқ соҳалари кесишмасида ўрганилади. Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, ушбу икки атама кўпинча бир-бири билан аралаштириб қўлланилади ёки мазмун жиҳатидан аниқ фарқланмайди. Бу эса илмий таҳлилда методологик ноаниқликларни келтириб чиқаради. Шу боисдан, диссертация ишида мазкур тушунчаларнинг моҳиятини аниқ белгилаш, уларнинг назарий асосларини очиб бериш ва амалий аҳамиятини илмий жиҳатдан асослаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Хусусан, “хориждаги ватандошлар” тушунчаси кўпроқ давлат-ҳуқуқий ва сиёсий контекстда қўлланилиб, муайян мамлакат билан фуқаролик, миллий мансублик, тарихий ва маънавий алоқаларга эга бўлган шахсларни ифодалайди. Ушбу тушунча давлат сиёсати объекти сифатида қаралади ва унга нисбатан махсус дастурлар, институтлар ҳамда ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилади.

Шунингдек, “хориждаги ватандошлар” термини замонавий гуманитар фанларда мураккаб ва кўп қиррали категория ҳисобланади. Ушбу тушунча нафақат ҳуқуқий мақомни, балки шахснинг маънавий-маданий идентификациясини, унинг тарихий Ватан билан психологик ва ижтимоий боғлиқлигини ифодалайди.

Оксфорд луғатида (Oxford English Dictionary) “ватандош” (инг.: - compatriot) атамасига қуйидагича таърифлар келтирилган:

- “бир мамлакатга тегишли бўлган ёки у ерда туғилган шахс”;
- “бир миллатга мансуб бўлган ватандош” деб таъриф берилади[1].

Ушбу таърифда ватандошлик феномени ҳудудий ва генетик бирлик сифатида баҳоланади.

Америка лексикография мактаби вакиллари (Merriam-Webster Dictionary) “ватандош” (инг.: - compatriot) тушунчасини кенгроқ мазмунда, яъни “бир ватанга нисбатан умумий содиқлик туйғусига эга бўлган шахслар” деб таснифлайди[2]. Бу ерда ватандошлик нафақат паспорт ёки туғилган жой, балки руҳий-сиёсий содиқлик асосида шаклланиши таъкидланади.

Б. Андерсон ватандошлик туйғусини инсон онгидаги муайян “тасаввур қилинган бирлик” деб таърифлайди. Унинг таърифига кўра, **ватандош** - бу миллий чегаралардан ташқарида бўлса-да, ўзини муайян миллатнинг ажралмас бўлаги сифатида тасаввур қилувчи ва бошқа миллатдошлари билан умумий тақдирдошлик туйғусини сақлаб қолган шахсдир[3].

Роджерс Брубейкер ўз қарашларини “Ташқи ватандошлар” (External National Minorities) консепцияси асосида ватандошликни “триадик муносабат” контекстида кўриб чиқади. У ватандош тушунчасини давлатнинг ташқи сиёсий объекти сифатида талқин қилади. Р.Брубейкер тушунчани қуйидагича баён этади, **ватандош** - бу тарихий ватани томонидан этник, маданий ёки тарихий яқинлик асосида ўз масъулияти ва ғамхўрлиги доирасидаги субъект деб тан олинган, лекин ўзга давлат ҳудудида яшовчи шахсдир[4].

Валерий Тишков “Этномаданий ўзлик” ёндашуви асосида ватандош тушунчасини фуқароликдан кўра кенгроқ масофада кўради. Олим қарашларига кўра, **ватандошлар** - бу нафақат бир миллатга мансуб шахслар, балки умумий маданий қадриятлар, тил ва тарихий хотира асосида ўзларини муайян “Она Ватан”га мансуб деб билувчи, тақдирини ушбу замин билан маънавий боғлаган шахсларнинг индивидуал ва жамоавий мақомидир[5].

---

[1] Oxford University Press. (2023). Oxford English Dictionary. Oxford: Oxford University Press, p. 142
[2] Merriam-Webster. (2022). Merriam-Webster's Collegiate Dictionary. Springfield: Merriam-Webster Inc, p. 251
[3] Anderson, B. (2006). Imagined Communities: Reflections on the Origin and Spread of Nationalism. Verso. p. 7.
[4] Brubaker, R. (1996). Nationalism Reframed: Nationhood and the National Question in the New Europe. Cambridge University Press. p. 58.
[5] Тишков В. А. (2003). Реквием по этносу: Исследования по социально-культурной антропологии. Наука. стр. 256.

Колорадо университетининг профессори Уильям Сафран диаспорашуносликда “классик” ёндашув асосида ватандошликнинг психологик ва ижтимоий-сиёсий асосларини очиб беради.

Хусусан, олим ўзининг фундаментал тадқиқотларида ватандошлар гуруҳининг оддий мигрантлардан фарқини уларнинг “ички маънавий дунёси” ва “тарихий ватанга бўлган муносабати” орқали белгилайди. Унинг фикрича, ватандош сифатида шаклланиш учун шахсда қуйидаги кенгайтирилган идентификация мезонлари намоён бўлиши лозим:

1. “Ватан ҳақидаги идеаллаштирилган жамоавий миф” (The Collective Myth of Homeland) Сафран таъкидлашича, ватандошлар онгида реал ватандан ташқари, маълум маънода “идеаллаштирилган” ватан қиёфаси мавжуд бўлади. Бу ерда “миф” тушунчаси ёлғонни эмас, балки авлоддан-авлодга ўтувчи, муқаддаслаштирилган тарихий хотирани англатади[6]. Ватандош ушбу миф орқали ўзининг этник илдизларини сақлаб қолади ва хорижий маданият таъсирида ўзлигини йўқотмасликка интилади. Бу миф жамоани бирлаштирувчи асосий “маънавий ядро” вазифасини ўтайди.

2. Ўзликни англашда тарихий келиб чиқишнинг марказий ўрни

Ушбу таснифда ватандош учун унинг этник келиб чиқиши шахсий идентификациясининг “энг юқори нуқтаси” бўлиши шарт. Шахс хорижий мамлакатнинг фуқаролигини олиши, унинг жамиятига иқтисодий жиҳатдан интеграциялашуви мумкин, бироқ руҳий жиҳатдан у доимо ўзини тарихий ватаннинг бир бўлаги деб ҳис қилиши керак. Айнан мана шу “ички дахлдорлик” шахсни оддий чет элликдан ватандошга айлантирувчи асосий мезондир.

3. “Ватан фаровонлиги учун шахсий масъулият”

Олим ватандошликни фақат ҳиссий туйғу эмас, балки “фаол ижтимоий бурч” сифатида тавсифлайди. Унга кўра, ҳақиқий ватандош ватаннинг хавфсизлиги ва гуллаб-яшнашини ўз шахсий ҳаётининг муваффақияти деб билади;

Ватаннинг тикланиши ёки ислоҳ қилиниши жараёнларида (иқтисодий, сиёсий ёки маданий жиҳатдан) иштирок этишга шай туради. Бу мезон ватандошларнинг тарихий ватанга нисбатан “содиқлик шартномаси”ни англатиб, уларни ватан келажаги учун курашувчи трансмиллий кучга айлантиради[7].

4. “Хорижий муҳитда тўлиқ қабул қилинмаслик” (Feeling of Alienation) Сафран идентификациянинг яна бир муҳим жиҳати сифатида ватандошларнинг ўзлари яшаётган жамиятда “тўлиқ ўзлашиб кетмаслиги”ни кўрсатади. Улар ўзларини доимий равишда “икки дунё оралиғида” ҳис қиладилар. Бу “бегоналик” ҳисси уларни ўз ватандошлари билан янада жипслашишга ва тарихий ватанни “ягона ҳақиқий уй” деб билишга ундайди. Мазкур ҳолат ватандошлар жамоасининг ички жипслигини таъминловчи психологик механизмдир[8].

Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигида “ватандош” тушунчасига комплекс ва кўп қиррали таъриф берилган бўлиб, унда шахснинг идентификация мезонлари аниқ кўрсатилган. Унга кўра, **ватандош** - келиб чиқиши Ўзбекистон ҳудудидан бўлган, хорижга чиққан ва хорижий давлат фуқаролигини ёки фуқаролиги бўлмаган шахс мақомини олган ёхуд этник, тил ва маданий-тарихий нуқтаи назардан ўзини ўзбеклар ёки қорақалпоқлар сифатида идентификация қилган, Ўзбекистон Республикаси билан маданий-гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилаётган шахслар ва уларнинг авлодлари дея таъриф берилган.

Ушбу ҳуқуқий таърифни илмий жиҳатдан таҳлил қилганда, давлат томонидан ватандошликни белгилашда қуйидаги тўртта муҳим жиҳат устуворлик касб этишини кўриш мумкин:

---

[6] Safran, W. (1991). Diasporas in Modern Societies: Myths of Homeland and Return. Diaspora, 1(1), p. 84
[7] Safran, W. (2005). The Jewish Diaspora in a Comparative and Theoretical Perspective. Israel Studies, 10(1), pp. 36-40
[8] Safran, W. (1991). Кўрсатилган асар. – 91-б.

- География ва тарихий мансублик - шахснинг келиб чиқиши бевосита Ўзбекистон ҳудуди билан боғлиқлиги (ius soli принципининг кенгайган шакли).

- Этно-маданий идентификация - шахснинг нафақат ҳужжатлари, балки ички дунёқараши, тили ва маданияти орқали ўзини ўзбек ёки қорақалпоқ миллати вакили сифатида англаши.

- Авлодлар узвийлиги - ватандошлик мақоми нафақат Ўзбекистондан чиқиб кетган биринчи авлод мигрантларига, балки уларнинг хорижда туғилиб ўсган авлодларига ҳам татбиқ этилиши.

- Фаол ижтимоий позиция - ватандош бўлиш учун фақат этник мансублик кифоя эмас, балки Ўзбекистон билан турли йўналишларда (иқтисодий, маданий, ижтимоий) алоқаларни ривожлантиришга бўлган амалий интилишнинг мавжудлиги.

Таҳлил қилинган назариялардан келиб чиқиб, халқаро миқёсда “ватандош” атамасини қуйидагича тизимлаштириш мумкин:

1-жадвал

“Ватандош” тушунчасининг таснифланиши[9].

№	Тасниф йўналиши	Тушунчанинг мазмуни	Асосий назариётчилар
1	**Институционал**	Ривожланиш ва иқтисодий шерик	Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон банки
2	**Геосиёсий**	Сиёсий лобби ва “Юмшоқ куч” воситаси	Г. Шеффер, Ж. Най
3	**Этно-психологик**	Маданий хотира ва ўзлик соҳиби	У. Сафран, В. Тишков
4	**Глобал-тармоқли**	Трансмиллий алоқалар субъекти	С. Вертовец, Р. Коэн

Бугунги кунда глобал миграция жараёнларининг жадаллашиши натижасида диаспоралар масаласи замонавий ижтимоий-гуманитар фанларнинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Диаспора вакиллари деярли барча давлатларда истиқомат қилиб, мезбон жамиятнинг сиёсий ва ижтимоий-маданий тизимида ўз ўрнини топишга, шу билан бирга, ўзлигини сақлаб қолишга интиладилар.

Институционал нуқтаи назардан, диаспораларнинг ривожланиш динамикаси қуйидаги муҳим жиҳатлар билан тавсифланади:

- Этно-маданий идентификация - диаспоралар маҳаллий этнос муҳитида демаракацияланган “миллий озчилик” сифатида ўзларининг тарихий Ватанлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш борасида мураккаб адаптация босқичларини ўтайдилар.

- Трансмиллий дипломатия - замонавий халқаро муносабатларда диаспоралар давлатлараро алоқаларни янги босқичга олиб чиқувчи “табиий кўприк” вазифасини бажаради. Уларнинг маданияти ва ижтимоий фаоллиги давлатлараро мулоқотнинг нафақат объекти, балки фаол субъекти (soft power) сифатида намоён бўлади.

- Стратегик танлов муаммоси - диаспора вакиллари олдида доимий равишда иккита фундаментал экзистенциал масала туради: реципиент (мезбон) мамлакат жамиятига тўлиқ интеграциялашиш ёки тарихий Ватанга репатриация қилиш.

Жамиятда барқарорликни таъминлаш ва этник гуруҳлар ўртасидаги конфликтлар потенциалини камайтириш учун мамлакат ҳудудидаги барча этносларнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик хусусиятларини чуқур илмий тадқиқ этиш талаб этилади.

[9] Ўрганилган назарий асослар асосидаги муаллиф ишланмаси.

Диаспораларнинг ижтимоий аҳамиятига етарлича баҳо бермаслик ички ижтимоий беқарорликка ва давлат яхлитлигига таҳдид солувчи деструктив жараёнларни келтириб чиқариши мумкин.

Замонавий прагматик сиёсатда давлатлар ўз хориждаги ватандошларига нафақат гуманитар субъект, балки сиёсий ва иқтисодий вазифаларни ҳал қилувчи стратегик шерик сифатида қарайдилар. Ушбу феноменнинг кўп қирралилиги боис, у сиёсатшунослик, социология, этнология, тарих ва маданиятшунослик фанларининг туташ нуқтасида ўрганилмоқда.

Шу билан бирга, “диаспора” тушунчаси кенгроқ социомаданий ва илмий мазмунга эга бўлиб, муайян халқ ёки миллатнинг ўз тарихий ватани ташқарисида шаклланган барқарор жамоаларини англатади. Диаспоралар вақт ўтиши билан мустақил ижтимоий субъектга айланиб, қабул қилувчи жамият ва ватани ўртасида ўзига хос “кўприк” вазифасини бажаради.

Этнографлар нуқтаи назаридан “диаспора” (юн. diaspora - тарқалиш; инг. - diaspore) нинг бир нечта маънолари бор:

– яҳудийларнинг Бобил томонидан Исроил подшолиги (эр авв.VI аср.) босиб олингандан сўнг ташкил этилган яшаш жойлари, кейинчалик эса уларнинг Фаластиндан ташқарида дунё бўйлаб барпо этилган яшаш жойлари;

– айрим этник жамоаларнинг (гуруҳларнинг) кўчирилганини, ўз ҳудудидан ажралган жойларини бўлиниб қолганлигини кўрсатиш учун қўлланилади: арман диаспораси, ирланд диаспораси ва бошқалар.

Диаспорада этник сиёсий-давлат чегараларидан ҳудудни ажратиш эмас, балки этник гуруҳ яшайдиган жойни сақлаб қолиш ҳоллари мавжуд[10].

Сиёсатшунос олим Уильям Сафран ўзининг концептуал тадқиқотларида гуруҳни “диаспора” деб аташ учун фақатгина миграция фактори етарли эмаслигини таъкидлайди. У диаспоранинг мавжудлик формуласини белгилаб берувчи қуйидаги 6 та асосий мезонни ишлаб чиққан[11]:

1. Тарқалиш ва ҳудудий бўлиниш - диаспора шаклланишининг биринчи шарти - гуруҳ аъзоларининг ўз тарихий “маркази”дан камида икки ёки ундан ортиқ чекка хорижий ҳудудларга тарқалганлигидир. Бунда тарқоқлик жамоавий характерга эга бўлиши ва маълум бир географик маконда янги ижтимоий бирлик ҳосил қилиши лозим.

2. Жамоавий хотира ва тарихий онг - диаспора вакиллари ўзларининг келиб чиқиш жойи ҳақидаги хотираларни, афсоналарни ва тарихий воқеаларни авлоддан-авлодга ўтказадилар. Ушбу жамоавий хотира этник ўзликни сақлаб қолишда “маънавий ҳимоя” вазифасини ўтайди. Бу шарт диаспорани оддий мигрантлардан ажратиб туради, чунки мигрант вақт ўтиши билан ўз тарихини унутиши мумкин, диаспора эса уни институционаллаштиради.

3. Бегоналик ҳисси ва интеграциявий чекловлар - Сафран таъкидлашича, диаспора аъзолари ўзлари яшаётган жамият томонидан тўлиқ қабул қилинмаётганликларини ёки у ерда “бегона” эканликларини ҳис қиладилар. Бу ҳис жамоанинг ички жипслашувига ва ўз маданиятига маҳкамроқ ёпишишига сабаб бўлади.

4. Идеализацияланган ватан образи - диаспора учун тарихий ватан шунчаки географик жой эмас, балки “асл ва муқаддас уй”дир. Улар ватанни идеаллаштирадилар ва қачондир шароитлар тўғри келганда (сиёсий, иқтисодий ёки маънавий жиҳатдан) у ерга қайтиш зарурлигига ишонч билдирадилар.

5. Ватанни тиклаш ва ривожлантиришга содиқлик - ҳақиқий диаспора ўз тарихий ватанининг хавфсизлиги, фаровонлиги ва мустақиллиги учун жамоавий масъулият ҳиссини

10 Козлов В.И. Диаспора // Свод этнографических понятий и терминов. – М., 1986. – С. 26
11 Safran W. Diasporas in Modern Societies: Myths of Homeland and Return // Diaspora: A Journal of Transnational Studies. – 1991. – Vol. 1. No. 1. – P. 83-99

туяди. Бу содиқлик молиявий ёрдам, сиёсий лоббизм ёки маданий тарғибот шаклида намоён бўлади.

6. Этник бирдамлик ва трансмиллий алоқалар - диаспора аъзолари нафақат ватан билан, балки дунёнинг бошқа нуқталарида яшаётган ўз миллатдошлари билан ҳам узвий алоқада бўладилар. Ушбу "кўринмас тармоқ" этник бирдамликни таъминлайди ва гуруҳнинг глобал миқёсда сақланиб қолишига хизмат қилади.

Диаспораларни ўрганиш билан шуғулланадиган тадқиқотчилар уларнинг турли хил кўринишларини таснифлаб ўтишган. Хусусан, С.А.Арутюнов ва С.Я.Козловлар диаспораларни уларнинг шаклланиш даврларига кўра ажратиб кўрсатишади:

1) қадимги диаспоралар (қадимги давр ва ўрта асрлардан бери мавжуд бўлган диаспоралар): бу яҳудийлар, юнонлар, арманлар, хитойлар ва ҳиндлар;

2) ёш диаспоралар: турклар, поляклар, жазоирликлар, марокашликлар, корейслар ва японлар;

3) янги давр: меҳнат муҳожирларидан ташкил топган диаспоралар (Фаластин, Ҳиндистон, Покистон ва Кореядан чет элга чиққанлар)[12].

Г. Шеффер ўзининг "Диаспора сиёсати: хориждаги уйда" (Diaspora Politics: At Home Abroad) номли асарида диаспораларни уларнинг сиёсий мақоми ва тарихий ватани билан бўлган муносабатлари асосида тизимлаштиради. Муаллиф диаспораларни қуйидаги учта асосий тоифага ажратади:

1. Давлатли диаспоралар - бу тоифага мустақил ва халқаро миқёсда тан олинган ўз давлатига эга бўлган этник гуруҳлар киради. Улар учун тарихий ватан нафақат маънавий марказ, балки уларнинг ҳуқуқларини халқаро майдонда ҳимоя қилувчи сиёсий ҳомий ҳамдир. Бунда давлат ва диаспора ўртасида расмий шартномалар, консуллик хизматлари ва махсус давлат дастурлари мавжуд бўлади.

2. Давлатсиз диаспоралар - ўзларининг суверен давлатчилигига эга бўлмаган, лекин аниқ этник ҳудуд ва мустақиллик ғояси атрофида бирлашган гуруҳлар. Бундай диаспоралар учун сиёсий фаолликнинг асосий мақсади - ўз давлатчилигини яратиш ёки тарихий ҳудудида мухториятга эришиш ҳисобланади. Хусусан, улар халқаро ташкилотларга (БМТ, ЕХҲТ) мустақил равишда мурожаат қилишга ва ўз сиёсий субъектлигини исботлашга интиладилар. Бунга мисол тариқасида курд, фаластин диаспораларини келтириш мумкин.

3. Институционаллашган ва янги шаклланаётган диаспоралар - Шеффер, шунингдек, диаспораларни уларнинг ташкилий тузилмасига кўра ҳам фарқлайди:

- тарихий (Институционаллашган): асрлар давомида шаклланган, ўз ички бошқарув тизими, мактаблари ва лобби гуруҳларига эга диаспоралар. Бундай диаспоралар бир неча авлод давомида шаклланган ва уларнинг яшаб қолиш механизми давлат идоралариникидек аниқ ишлайди. Уларда "ижтимоий капитал" жуда юқори. Мисол тариқасида, АҚШдаги Яҳудий диаспорасини келтиришимиз мумкин.

- эфемер (Vibrant/Emergent): Яқинда миграция тўлқинлари натижасида вужудга келган ва эндигина ўз сиёсий овозини излаётган жамоалар[13]. Бу гуруҳлар охирги 10–20 йил ичида юз берган иқтисодий ёки сиёсий миграция тўлқинлари натижасида вужудга келган. Улар ҳали "шаклланиш жараёни"ни бошдан кечирмоқда. Мисол тариқасида, Жанубий Кореядаги ўзбек диаспораси, Европадаги Сурия диаспораси (янги тўлқин). Сурия диаспораси 2011 йилги инқироздан кейин пайдо бўлган. Улар ҳали қабул қилувчи жамиятда тўлиқ институционаллашиб улгурмади, лекин рақамли маконда жуда фаол ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун янги платформалар яратмоқда.

12 Арутюнов С.А., Козлов С.Я. Диаспоры: скрытая угроза или дополнительный ресурс // Независимая газета – М., 2005.

13 Sheffer G. Diaspora Politics: At Home Abroad. – Cambridge: Cambridge University Press, 2003. – P. 148-165

Диаспорашунослик соҳасидаги энг нуфузли ва мукаммал таснифлардан бири инглиз социологи Робин Коэн томонидан таклиф этилган. У ўзининг “Глобал диаспоралар” асарида диаспораларни шаклланиш мақсади, ижтимоий характери ва тарихий вазиятларига кўра бешта асосий тоифага ажратади[14]:

1. “Қурбон” диаспоралар: Бу турдаги диаспоралар фожиавий воқеалар, геноцид, уруш ёки мажбурий қувғинлар натижасида шаклланади. Улар учун тарихий хотирада “жароҳат” ва ватанга қайтиш истаги марказий ўрин тутади (яҳудий, арман ва африкалик қуллар диаспоралари).

2. Меҳнат диаспоралари: бу гуруҳлар иқтисодий имкониятлар, ишчи кучига бўлган талаб ва яхшироқ яшаш шароитларини излаб кўчиб кетганлар натижасида вужудга келади. Улар ватан иқтисодиётига пул ўтказмалари орқали энг катта таъсир кўрсатувчи қатламдир (Европадаги турк, ҳинд ва америкадаги италян меҳнат мигрантлари жамоалари).

3. Савдо диаспоралари: ушбу гуруҳлар халқаро савдо тармоқларини бошқариш ва тижорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тарқалган. Улар маданиятлараро иқтисодий брокерлик вазифасини бажарадилар (Хитой, Ливан ва грек савдогарлари диаспоралари).

4. Империал диаспоралар: мустамлака қилиш ёки империяни кенгайтириш мақсадида бошқа ҳудудларга кўчиб ўтган ва ўша ерда ҳокимият ёки маъмурий бошқарувни қўлга киритган гуруҳлар (британиялик маъмурлар, Россия империяси ва Совет даврида иттифоқ ҳудудлари бўйлаб тарқалган рус тилли аҳоли).

5. Детерриториаллашган (тармоқли) диаспоралар: Бу замонавий типдаги диаспора бўлиб, унда географик ватан билан алоқадан кўра, глобал маданий, диний ёки рақамли тармоқлар муҳимроқ роль ўйнайди. Шунингдек, бу инсоннинг жисмоний ватанидан узоқда бўлса-да, лекин миллий ўзлигини (тилини, динини, маданиятини) сақлаб қолишидир. Фарқи шундаки, у энди ватан билан “ер” (ҳудуд) орқали эмас, балки “ғоя” ва “рақамли тармоқ” орқали боғланади.

Ўз навбатида детерриториаллашган диаспораларни “космополитизм”дан ажратиш зарур. Хусусан, космополитизм - бу инсоннинг бирор бир этник гуруҳ ёки давлатга боғланмаслиги, ўзини “дунё фуқароси” деб ҳисоблаши ва миллий мансубликни иккинчи даражага суришидир.

2-жадвал.

Дунё миқёсидаги энг йирик глобал диаспоралар[15]

т/р	Давлат (диаспора)	Сони (млн)	Асосий тарқалган ҳудудлари
1	Ҳиндистон	18	БАА, АҚШ, САП
2	Мексика	11,2	АҚШ
3	Россия	10,8	Қозоғистон, Германия, АҚШ
4	Хитой	10,5	Канада, АҚШ, Таиланд
5	Сурия	8,5	Туркия, Германия, Ливан
6	Фаластин	7,3	Иордания, Ливан

Ўрганилган назарий билимларини таҳлил қилган ҳолда “ватандош” ва “диаспора” тушунчаларнинг аҳамиятини қуйидагича таърифлаш мумкин.

Жумладан, илмий адабиётларда ва давлат сиёсатида ушбу терминлар кўпинча бир-бирининг ўрнида ишлатилса-да, уларнинг мазмун кўлами ва қўлланиш мақсади тубдан фарқ қилади.

[14] Cohen R. Global Diasporas: An Introduction. 2nd edition. – New York: Routledge, 2008. – P. 17-19
[15] World Migration Report 2024. International Organization for Migration (IOM). – Geneva, 2024. – P. 23-26.

Таъкидлаш жоизки, тушунчаларини мазмун кўламига кўра қуйидагича фарқлаш мумкин:

Хусусан, диаспора - бу жамоавий тушунча бўлиб, хорижда муайян бир этник гуруҳнинг уюшган ҳолда яшашини, ўз ижтимоий институтларига (марказлар, мактаблар, матбуот) эга эканлигини англатади. Умуман олганда диаспора - бу "этник организм"дир.

Ўз навбатида, ватандош - бу индивидуал ва маънавий-ҳуқуқий тушунча бўли, у шахснинг келиб чиқиши ва тарихий ватани билан бўлган индивидуал алоқасини ифодалайди. Инсон ҳеч қандай диаспора ташкилотига аъзо бўлмай, алоҳида яшаса ҳам, у "ватандош" бўлиб қолаверади.

Бундан ташқари, ушбу икки феноменнинг ҳуқуқий ва сиёсий фарқлари ҳам мавжуд. Ватандош атамаси кўпроқ миллий қонунчиликда ишлатилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, "ватандош" мақоми нафақат ўзбек ва қорақалпоқларга, балки Ўзбекистонда туғилиб, ҳозирда хорижда яшаётган бошқа миллат вакилларига ҳам берилиши мумкин. Бу ҳуқуқий боғлиқликдир.

Диаспора атамаси эса кўпроқ халқаро социология ва сиёсатшуносликда қўлланилади. У хориждаги этник озчиликнинг яшаб қолиш механизмини ифодалайди.

3-жадвал

"Диаспора" ва "ватандош" тушунчаларнинг қиёсий жадвали[16]

т/р	Мезон	Диаспора	Ватандош
1	**Табиати**	Ижтимоий-этник ҳодиса (гуруҳли)	Индивидуал мақом (индивидуал)
2	**Асосий боғлиқлик**	Этник ўзлик ва маданият	Тарихий ватан ва қонунчилик
3	**Ташкилий шакли**	Жамоат ташкилотлари, уюшмалар	Шахсий алоқа, оилавий ришталар
4	**Қамрови**	Фақат бир миллат вакилларини бирлаштиради	Турли миллат вакилларини (ватандошлик белгиси бўйича) бирлаштириши мумкин

Этнологик тадқиқотларда диаспора ва ватандош тушунчаларини дифференциация қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, С.А. Арутюнов диаспорани статик этник гуруҳ эмас, балки мураккаб ижтимоий жараён сифатида тавсифлайди. Муаллифнинг фикрича, диаспора хориждаги барча ватандошлар мажмуини эмас, балки уларнинг ичидаги энг фаол, уюшган ва ўз этник ўзлигини сақлашга интилувчи қисмини ифодалайди[17].

Бундан ташқари олим таъкидлаганидек, "ватандош" тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, у ўз ичига этник келиб чиқиши бир бўлган барча хориждаги шахсларни қамраб олади.

Бироқ, С. Арутюнов бу омманинг ичидан диаспорани алоҳида ажратиб кўрсатади:

- ватандошлар - бу объектив ҳолат бўлиб, инсон ўз иродасидан ташқари, туғилган жойи ёки этник илдизлари сабабли ватандош ҳисобланиши мумкин.

- диаспора — бу субъектив ва фаол танлов. Бу ватандошларнинг ичидаги энг онгли, ижтимоий жиҳатдан фаол ва маълум бир мақсад йўлида бирлашган қисмидир.

[16] Ўрганилган назарий асослар асосидаги муаллиф ишланмаси.
[17] Арутюнов С.А. Диаспора – это процесс // Этнографическое обозрение. – 2000. – № 2. – С. 75

Бу ёндашув хориждаги ватандошларнинг ҳаммаси ҳам диаспоравий тузилмаларнинг фаол субъекти бўла олмаслигини, диаспоранинг ядроси эса ижтимоий-сиёсий сафарбарликка қодир бўлган бўғин эканлигини илмий асослаб беради.

Умуман олганда юқоридагилардан хулоса қилиб, агар “ватандош” тушунчаси шахснинг тарихий ватани билан бўлган ҳуқуқий ва маънавий генетик алоқасини ифодаласа, “диаспора”ни хорижда институционаллашган ватандошларнинг жамоавий шакли бўлиб, у ватаннинг геосиёсий ва маданий чегараларини давлат чегараларидан ташқарига кенгайтирувчи трансмиллий субъектдир деб таърифлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Oxford University Press. (2023). Oxford English Dictionary. Oxford: Oxford University Press, p. 142
2. Merriam-Webster. (2022). Merriam-Webster's Collegiate Dictionary. Springfield: Merriam-Webster Inc, p. 251
3. Anderson, B. (2006). Imagined Communities: Reflections on the Origin and Spread of Nationalism. Verso. p. 7.
4. Brubaker, R. (1996). Nationalism Reframed: Nationhood and the National Question in the New Europe. Cambridge University Press. p. 58.
5. Тишков В. А. (2003). Реквием по этносу: Исследования по социально-культурной антропологии. Наука. стр. 256.
6. Safran, W. (2005). The Jewish Diaspora in a Comparative and Theoretical Perspective. Israel Studies, 10(1), pp. 36-40
7. Козлов В.И. Диаспора // Свод этнографических понятий и терминов. – М., 1986. – С. 26
8. Safran W. Diasporas in Modern Societies: Myths of Homeland and Return // Diaspora: A Journal of Transnational Studies. – 1991. – Vol. 1. No. 1. – P. 83-99
9. Арутюнов С.А., Козлов С.Я. Диаспоры: скрытая угроза или дополнительный ресурс // Независимая газета – М., 2005.
10. Sheffer G. Diaspora Politics: At Home Abroad. – Cambridge: Cambridge University Press, 2003. – P. 148-165
11. Cohen R. Global Diasporas: An Introduction. 2nd edition. – New York: Routledge, 2008. – P. 17-19
12. World Migration Report 2024. International Organization for Migration (IOM). – Geneva, 2024. – P. 23-26.
13. Арутюнов С.А. Диаспора – это процесс // Этнографическое обозрение. – 2000. – № 2. – С. 75